

“DALVARZIN PAXTA TOZALASH ZAVODI” aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши баённомаси

29.06.2016 йил

Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Маданият к.ф.й.

Марказий Депозитарий томонидан 2016 йил 29 июнь ҳолатига ёпилган жамият акциядорларининг реестрига кўра “DALVARZIN PAXTA TOZALASH ZAVODI” АЖнинг 706435 дона овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялари мавжуд бўлиб, улар та акциядорнинг улушини ташкил этади.

Мажлисида қатнашганлар: Реестр бўйича 706435 дона акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлардан:

- “Тошкентпахтасаноат” ХАБ вакили Р.Атаҳаджаев – 360284 дона акция;

- Мехнат жамоаси ва очик савдо акционерлари – 5801 дона акция эгаси.

Таклиф этилганлар: Кузатув кенгаши раиси Ф.Наимов, жамият бошқарув раиси в.в.б. И.Холиков, бош ҳисобчи Р.Болтабоев.

Кузатув кенгаши раиси Ф.Наимов мажлиснинг очилиши олдидан 366085 та овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар эканлигини ва кворум 51.82% ни ташкил этишини таъкидлаб, мажлис ўтказилиши ваколатли деб ҳисобланди ва мажлисни очик деб эълон қилди.

Мажлис раиси этиб . Ф.Наимов, котиб этиб К.Хайдаровни сайлаш, мажлисида Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш, овоз бериш тартиби бюллетенлар орқали ўтказилиши таклифи берилди.

Бир овоздан қабул қилинди:

Йиғилиш раиси - Ф.Наимов

Йиғилиш котиби - К.Хайдаров

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
4. Жамият кузатув кенгаши раисининг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. Жамиятнинг ижроия органининг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш.
6. Жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган “Бизнес-режаси”ни тасдиқлаш.
7. Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2015 йил якунлари бўйича аудитор ҳисоботи ва хулосаси, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
12. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
13. Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш.
14. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.
15. Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида:
 - Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
 - Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);

- Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;
- Ички назорат тўғрисидаги низом;
- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;
- Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом;
- Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисидаги низом (агарда рағбатлантириш бошқарув ва назорат органи тўғрисидаги низомларда кўзда тутилмаган бўлса);

16. Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

17. 2016 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш, шу жумладан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш.

18. Аффилиланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

19. Жамиятнинг фирма номини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бирхиллаштириш, жамиятнинг юмалоқ муҳри ва бурчак штампини ҳамда тимсолини (логотипини) ўзгартириш.

Мажлис регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Кун тартибидаги масалалар бўйича – 60 минут;

Савол ва жавоблар – 20 минут;

Овозга қўйиш – 10 минут.

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича Кузатов кенгаши раиси Ф.Наимов сўзга чиқиб, санок комиссиясининг таркибига қуйидаги:

- Санок комиссияси раиси Д. Акрамова

- Санок комиссияси аъзоси С. Мирзаев

- Санок комиссияси аъзоси С. Жабборов номзодлар таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: "Тарафдор" – 366085 та овоз; "Қарши" – йўқ; "Бетараф" – йўқ.

2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича кузатов кенгаши аъзоси Ш.Ибрагимов сўзга чиқиб, мажлис регламентини қуйидагича тасдиқлаш таклифини киритди:

Кун тартибидаги масалалар бўйича – 60 минут;

Савол ва жавоблар – 20 минут;

Овозга қўйиш – 10 минут.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: "Тарафдор" – 366085 та овоз; "Қарши" – йўқ; "Бетараф" – йўқ.

3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича “Далварзин ПТЗ” АЖ бош директори в.в.б. И.Холиков сўзга чиқиб “DALVARZIN PAXTA TOZALASH ZAVODI” АЖ томонидан 2015 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. (илова қилинади)

Шундан сўнг 2015 йил якуни бўйича жамият Бош директори в.в.б.нинг ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан топшириқлар берилди ва Жамият бизнес режасининг 2015 йил натижалари бўйича кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини маълумот учун қабул қилинди ва овозга қўйилди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

4. Жамият кузатув кенгаши раисининг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича бўйича Кузатув кенгаши раиси Ф.Наимов сўзга чиқиб, 2015 йил мобайнидаги Кузатув кенгашининг фаолияти ҳақида сўзлади. Кузатув кенгашининг йил давомида бўлиб ўтган йиғилишлари билан қисқача таништирди ҳамда Кузатув кенгашининг 2015 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

5. Жамиятнинг ижроия органининг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича кузатув кенгаши аъзоси Ш.Саидов сўзга чиқиб, жамият ижро органи фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқларга тўхталиб, ижро органи раиси И.Холиков ва аъзолари билан тузилган шартнома муддатини бир йилга узайтириш таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

6. Жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган “Бизнес-режаси”ни тасдиқлаш.

Олтинчи масала юзасидан “Далварзин ПТЗ” ОАЖнинг бошқарув раиси в.в.б. И.Холиков сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йилга тузилган ва жамият Кузатув кенгашининг йиғилишида маъқулланган бизнес режасини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Унга кўра 2016 йил якуни бўйича 450020 минг сўм соф фойда олиниши мўлжалланаётганлигини маълум қилди. Бизнес режани тасдиқлаш овозга қўйилди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклифлар овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

7. Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан “Далварзин ПТЗ” АЖ бош директори в.в.б. И.Холиков сўзга чиқиб, жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг, жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси лойиҳасини йиғилиш иштирокчиларига таништирди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

8. Жамиятнинг 2015 йил якунлари бўйича аудитор ҳисоботи ва хулосаси, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича “Назорат-Аудит” аудиторлик ташкилотининг аудитори И.Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси томонидан 25/15-2427-сонли жиноят иши доирасида “DALVARZIN PAXTA TOZALASH ZAVODI” АЖга тегишли бўлган барча зарурий ҳужжатлар ва маълумотлар тафтиш учун

олинганлиги натижасида аудитор текшируви ўтказиш имкони йўқлигини, 2015 молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текшируви учун зарур бўлган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси томонидан қайтариб берилганидан сўнг миллий стандартларга асосланган аудиторлик хулосасини тақдим қилинишини айтиб ўтди. Кузатув кенгаши аъзолари томонидан И.Абдуллаев маълумоти қабул қилиниб кун тартибидаги масала аудитор хулосаси олингандан сўнг кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиш таклифи овозга қўйилди таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

9. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича тафтиш комиссияси аъзоси Н.Пулатов сўзга чиқиб, жамият тафтиш комиссия томонидан 2015 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида хулоса берди (*илова қилинади*). Хулоса маълумот учун қабул қилинди ва тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

10. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ф.Наимов сўзга чиқиб, 2015 йил якунлари бўйича олинган соф фойдани жамият ташқи аудити хулосаси олингандан сўнг акциядорларнинг навбатдаги ёки навбатдан ташқари умумий йиғилишида тақсимлаш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтиб, масалани йиғилиш муҳокамасига қўйди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича бош ҳисобчи Р.Болтабоев сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Кузатув кенгаши аъзолари ҳар йили қайта сайланиши белгиланганлигини маълум қилди ва 51 % акция эгаси сифатида “Тошкентпахтасаноат” ҚАБ томонидан 2016 йил 29 январдаги 15/111-сонли хатининг 1-иловасига мувофиқ берилган номзодларни ўқиб эшиттирди.

Кузатув Кенгашининг янги таркибига номзодлар:

1. О.Узоков - «Узпахтасаноат» АЖ булим бошлиги
2. М.Тухтамишев - «Узпахтасаноат» АЖ бош мутахассис
3. Т.Кучкаров - «Узпахтасаноат» АЖ бош мутахассис
4. Н.Хусанов - «Узпахтасаноатэкспорт» ЖК булим бошлиги
5. Р.Атаҳаджаев - «Тошпахтасаноат» МЧЖ бош мутахассис

Овоз бериш натижалари:

1. О.Узоков - “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.
2. М.Тухтамишев - “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.
3. Т.Кучкаров - “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.
4. Н.Хусанов - “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.
5. Р.Атаҳаджаев - “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

12. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Кун тартибидаги 12-масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Ж.Назаров сўзга чиқиб, тафтиш комиссияси аъзоларига 51 % акция эгаси сифатида “Тошкентпахтасаноат” ҚАБ томонидан 2016 йил 17 июндаги 01/230-сонли хатининг 1-иловасига мувофиқ берилган номзодларни ўқиб эшиттирди:

1. Р.Аббосов

2. Б.Омонов

3. Ш.Нуримов

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

13. Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш.

Кун тартибидаги 13-масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Ш.Саидов сўзга чиқиб, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 30.12.2015 йилдаги 8-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди.

Шунга кўра, Корпоратив бошқарув кодексини жамият фаолиятига жорий этиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

14. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги 14-масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Ш.Саидов сўзга чиқиб, жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

15. Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги 15-масала юзасидан кузатув кенгаши раиси Ф.Наимов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодекси талабларидан келиб чиқадиган жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини, яъни акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда), кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда), тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом (янги таҳрирда), ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда), манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом, ички назорат тўғрисидаги низом, ахборот сиёсати тўғрисидаги низом, дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом ҳамда бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисидаги низом (агарда рағбатлантириш бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги низомларда кўзда тутилмаган бўлса))ларига киритиладиган ўзгартиришлар лйиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда уларни янги таҳрирда тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

16. Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Кун тартибидаги 16-масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Ш.Саидов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодекси талабларидан келиб чиқиб жамиятнинг янги таҳрирдаги устави тайёрланганлигини маълум қилди ҳамда киритилган ўзгртиришлар юзасидан йиғилиш қатнашчиларини хабардор қилди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

17. 2016 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш, шу жумладан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш.

Кун тартибидаги 17-масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Ж.Назаров сўзга чиқиб, кузатув кенгаши томонидан берилган тавсия бўйича энг кам ҳақ миқдорини таклиф этган «Назорат аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилоти «DALVARZIN PAXTA

TOZALASH ZAVODI” АЖнинг 2016 йил якуни бўйича Миллий стандартлар ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори 12 млн. сўм бўлиши юзасидан умумий йиғилишда тасдиқлаш таклифини киритиб, « Назорат аудит » МЧЖ аудиторлик ташкилоти ҳозирги кунда аудиторлик ташкилоти сифатида юқори мавқега эkanлиги ва малакали кадрлар билан таъминланганлигини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

18. Аффилланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги 18-масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Ш.Саидов сўзга чиқиб, жамият аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

19. Жамиятнинг фирма номини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бирхиллаштириш, жамиятнинг юмалоқ муҳри ва бурчак штампини ҳамда тимсолини (логотипини) ўзгартириш.

Кун тартибидаги 19-масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси М.Нарзуллаева сўзга чиқиб, Жамиятнинг фирма номини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бирхиллаштириш яъни “Далварзин пахта тозалаш” акциядорлик жамияти деб ўзгартириш ҳамда жамиятнинг юмалоқ муҳри, бурчак штампини ва тимсолини (логотипини) ўзгартириш таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала ва киритилган таклиф овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари: “Тарафдор” – 366085 та овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

Умумий йиғилиш қарор қилади:

1. 3 кишидан иборат санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби тасдиқлансин:

- Санок комиссияси раиси Д. Акрамова
- Санок комиссияси аъзоси С. Мирзаев
- Санок комиссияси аъзоси С. Жабборов

2. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2015 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Жамият кузатув кенгаши раисининг 2015 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг ижроия органининг аъзолари билан тузилган шартномаси бир йил муддатга узайтирилсин.

6. Жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган “Бизнес-режаси” тасдиқлансин.

7. Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган стратегияси тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2015 йил якунлари бўйича аудитор ҳисоботи ва хулосаси, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқланмасин.

9. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқланмасин.

10. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимланмасин.

11. Жамият кузатув кенгашининг янги таркибига қуйидаги номзодлар киритилсин:

1. О.Узоков
2. М.Тухтамишев
3. Т.Кучкаров
4. Н.Хусанов
5. Р.Атахаджаев

12. Жамият тафтиш комиссиясининг янги таркибига қуйидаги номзодлар киритилсин:

1. Р.Аббосов
2. Б.Омонов
3. Ш.Нуримов

13. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси жорий этилсин.

14. Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлансин.

15. Корпоратив бошқарув кодекси талабларидан келиб чиқадиган жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари, жумладан акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда), кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда), тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом (янги таҳрирда), ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда), манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом, ички назорат тўғрисидаги низом, ахборот сиёсати тўғрисидаги низом, дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом ҳамда бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисидаги низомлар тасдиқлансин:

16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин.

17. 2016 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун « Назорат аудит » МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 12 млн. сўм этиб белгилансин ҳамда халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилсин.

18. Аффилиланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар тасдиқлансин.

19. Жамиятнинг фирма номи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бирхиллаштирилсин яъни "Далварзин пахта тозалаш" акциядорлик жамияти деб ўзгартирилиши ҳамда жамиятнинг юмалоқ муҳри, бурчак штампи ва тимсоли (логотипи) тасдиқлансин.

Йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



Ф.Наимов

К.Хайдаров